



# Ishonch

**Моҳият**  
**Биз учун,  
юртимиз  
учун тинчлик  
ва осойиш-  
талиқ ҳамма  
нарсадан  
қадрлидир.**  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## «Биз бунёдкор халқмиз» фототанловига



Суратларда: хунар-манд уста Жаримбетов Оразмухаммед Сейт-нияз ўғли; Қўнғирот сода заводи; Уруш фахрийси 90 ёшли Сейдан Ўразимбетов оила аъзолари билан.  
**Айзада ТўЛАГАНОВА**  
олган суратлар

## Энг намунали бошланғич ташкилот

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан тизимда бошланғич ташкилотлар фаоллигини янада ошириш, бу орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқи ҳимоясини кучайтириш, маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш зарурки, соҳани ислоҳ этиш асосида бу борада тизимли ишлар амалга оширилди. Бунда энг йирик ва оммавий жамоат ташкилоти бўлган касба уюшмаларига Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» дастуруламал бўлмоқда.

# Ғолиблар аниқланди

Республикамиз ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда иш бевувилар ҳамда касба уюшма кўмиталари ўртасида ижтимоий шериклик асосида тузилаётган жамоат шартномалари сифати ва самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, замон талабидан келиб чиққан ҳолда уларга ходимлар учун имтиёз ва кафолатлар яратувчи қўшимча ҳамда ўзгаришлар киритилмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг сифати ва самардорлигини янада ошириш, эришилаётган натижаларни мустаҳкамлаш, айниқса, кўпмиллионли аъзога эга жамоат ташкилоти ҳисобланган касба уюшмалари имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда меҳнаткашлар, хусусан, ёшлар ва аёлларга мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, турли соҳаларда эришилаётган ютуқ ва муваффақиятлар, бунёдкорлик ишларининг моҳиятини етказиш Федерация Кенгашининг доимий диққат марказида бўлмоқда.

уюшма кўмиталарининг озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларда ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйишдаги иштироки, ходимларнинг ҳуқуқий билиминини ошириш бўйича ўтказилган тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари, меҳнаткашлар маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга олинди.

Тизимдаги такомиллашув натижасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфатини ҳимоялашда муҳим ўрин тутувчи бошланғич касба уюшма кўмиталарининг молиявий имконияти кенгайтирилди. Натижада, ҳар йили соғломлаштириладиган ходимлар сони 10 минг нафарга ортди. Меҳнаткашлар учун илгаригидек ҳар 5 йилда эмас, ҳар 3 йилда бир марта касба уюшмалари тизимидаги санаторийларда имтиёзли равишда саломатлигини мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

Жорий йилнинг май-июль ойларида мазкур кўрик-танловнинг туман, шаҳар, вилоят, республика тармоқ босқичлари ўтказилиб, уларда сараланган 9 та бошланғич касба уюшма кўмитаси финал босқичида иштирок этди. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика комиссияси томонидан тармоқлар хусусиятлари инобатга олинган ҳолда саноят ва ижтимоий соҳа йўналишларида ғолиблар аниқланди.

Касба уюшма кўмиталари ишини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат кишиси манфаати йўлидаги фаолиятини янада кучайтириш, бошқа касба уюшма кўмиталари ўртасида тажрибасини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танлов натижалари энг улуғ, энг астойдил байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги кенг нишонланаётган шукҳули кунларда сарҳисоб қилинди.

Жумладан, саноят соҳасида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамияти бошланғич касба уюшмаси ташкилоти 1-ўринни қўлга киритди. Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти бошланғич касба уюшмаси ташкилоти 2-ўринни, пойтахтимиздаги «Ўзаэронавигация» маркази бошланғич касба уюшмаси ташкилоти 3-ўринга сазовор бўлди. Ижтимоий соҳа йўналишида эса Хоразм вилоятидаги Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касба уюшмаси ташкилоти биринчи, Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги 53-умумтаълим мактаби бошланғич касба уюшмаси ташкилоти иккинчи, «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Бухоро вилоят бошқармаси бошланғич касба уюшмаси ташкилоти учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Кўрик-танлов тизимидаги такомиллашув жарағини ҳамроҳ равишда тубдан янгиланган шартлар асосида ташкил этилди. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика комиссияси томонидан унда иштирок этган бошланғич ташкилотлар фаолияти меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, ташкилий масалалар, тарғибот-ташвиқот соҳалари бўйича ўрганилиб, чуқур таҳлил этилди.

Шунингдек, кўрик-танловда иштирок этган бошланғич касба уюшма кўмиталари учта номинация бўйича рағбатлангилди. Хусусан, «Ходимлар учун ташкил этилган намунали маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари» номинацияси бўйича Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги «Қуёв-механика заводи» шўъба корхонаси, «Ходимларнинг муаммоларини ҳал этишда эришган аниқ натижалари» номинацияси бўйича «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Бош коммуналция маркази» филиали, «Ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйишда касба уюшма ташкилотининг фаол иштироки» номинацияси бўйича Андижон вилоятидаги «Асака ёғ-мой» очик акциядорлик жамияти бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари рағбатлангилди.

Бунда, айниқса, бошланғич ташкилотнинг ходимлар муаммоларини ҳал этишда эришган аниқ натижалари, улар учун яратилган меҳнат шартнолари, касба уюшма ташкилотининг янги иш ўринларини ташкил этишдаги иштироки, жамоат шартномасини тузиш қондалариға рияз этилганлиги ва унинг мазмунини қонун ҳужжатларига мослиги масалалари асосий мезон бўлди.

Шунингдек, кўрик-танловда иштирок этган бошланғич касба уюшма кўмиталари учта номинация бўйича рағбатлангилди. Хусусан, «Ходимлар учун ташкил этилган намунали маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари» номинацияси бўйича Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги «Қуёв-механика заводи» шўъба корхонаси, «Ходимларнинг муаммоларини ҳал этишда эришган аниқ натижалари» номинацияси бўйича «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Бош коммуналция маркази» филиали, «Ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйишда касба уюшма ташкилотининг фаол иштироки» номинацияси бўйича Андижон вилоятидаги «Асака ёғ-мой» очик акциядорлик жамияти бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари рағбатлангилди.

Ғолиб бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан I, II ва III даражали диплом, компьютер жаппаси ва пул мукофоти билан тақдирланди.  
**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши  
Матбуот хизмати раҳбари

## Касба уюшма ташкилотларига

Наманган вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдан ташқари 3-мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси П.Паязов аризасига мувофиқ эғаллаб турган лавозимдан озод қилинди.

Мажлисда ҳозиргача Янгиқўрғон тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси бўлиб ишлаб келган Зулайхо Маҳмадова вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси этиб сайланди.

Қашқадарё вилоят таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмасининг биринчи таъяс конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги бирлаштирилиб, янги тармоққа асос солинди.

## «Усто-шогирд» тизими амалда

# Ёшлар келажагига кафолат

Жумладан, коллеж ўқувчилари таркибидан корхонада амалиёт ўтаётганларни ва битириб ишга келганларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилган бўлиб, касба уюшма маблағидан бюджет ташкилот ва корхоналарда амалиёт ўташга бириктирилган коллеж битирувчилари учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи ва коллежни имтиёзли диплом билан битириб, ишга жойлашган ходимлар учун ёрдам сифатида энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Масалан, «Бухорнефтогазпармалаш» очик акционерлик жамиятида амалиёт ўтаган 20 нафар коллеж ўқувчисига касба уюшма кўмитаси томонидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилди. «Ғарбга-таъминот» унитар корхонаси касба уюшма кўмитаси эса ҳар йили 22 нафар иқтидорли коллеж ўқувчисига 10 минг сўмдан устама стипендия тўламоқда. Бундан

**Касба уюшма ташкилотлари ёшларни касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш борасида қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан «Усто-шогирд» тизимини ривожлантириш бўйича тегишли қарор қабул қилиниб, барча бўғиндаги касба уюшма ташкилотларига бир нечта йўналишлар бўйича вазифалар белгилаб берилди.**

ташқари, Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмитаси томонидан 10 нафар аълочи коллеж ва лицей ўқувчиларига 20 минг сўмдан стипендия ва коллежни битириб ишга жойлашган 12 нафар ходимга 50 минг сўмдан моддий кўмак берилди.

Кува тумани Иқтисодиёт касб-хунар коллежида 10 нафар, Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида 12 нафар, Компютер технологиялари ва Агросаноат касб-хунар коллежларида 10 нафардан ўқувчига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Киргули саноат-қурилиш ва Фарғона транспорт касб-хунар коллежларининг ўқувчиларига Транспорт, йул ва капитал қурилиши, қурилиш индустрияси хо-

димлари касба уюшмаси кенгаши томонидан 25 минг сўмдан устама стипендия тўланмоқда. Шунингдек, касба уюшмалари томонидан барча корхона ва ташкилотлардаги жамоат шартномаларига ёшлар учун ижтимоий имтиёзлар берилиши масаласи киритилмоқда.

Мисол учун, «Максам Чирчиқ» очик акционерлик жамиятида жамоат шартномасига биноан корхонада амалиёт ўташга келган талабаларни ўрганаётган ишига муносабатини кучайтириш мақсадида иш соат тарифлари асосида 422 нафар ўқувчига 32 млн. 649 минг 600 сўм тўланди ва тушлик учун 422 нафар қувчига 20 млн. 32 минг 800 сўм ажратилди.

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси томонидан 122 нафар коллеж ўқувчиси амалиёт даврида бепул иссиқ овқат билан таъминланди. Тижорат банклари ҳамда Машина-трактор паркларида амалиёт ўтаган коллеж ўқувчиларига ҳам бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Янги рукн:  
МК ходимлари — хизмат сафарида

Юртимиз бозорларни кузатган, дастурхонимиздан туз тотган меҳмон аграр соҳа мамлакатимизда жадал суръатларда ривожланиб бораётганига тан бермай иложи йўқ. Пахтачиликда, галлачиликда эришилаётган муваффақиятлар эътирофга сазовор. Кейинги йилларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эвазига чорвачилик, балиқчилик, асаларчилик, бодорчиликда ҳам юксалишлар кўзга ташлана бошлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш кенг йўлга қўйилмоқда. Албатта, тармоқ касаба уюшмаси ҳам юксалишлар билан ҳамоханг одимлашга ҳаракат қилаёттир.

Эртанги кун  
каролат

— Бугунги кунда баландпарвоз гаплар ёки юқоридан туриб буйруқболик қилиш билан кутилган натижага эришиб бўлмайди, — дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташкилий ишлар бўлими мутахассиси Алишер Исмолов. — Авваломбор, куйи бўғинлар, бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш керак. Бунир учун эса уларга амалий кўмак бериш лозим.

Айни кунларда Марказий кенгаш ходимлари жойларда бўлиб, шу эзгу мақсадни амалга оширишга интилоқдалар. Хусусан, Марказий кенгаш вакилларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига таширфи анчайин самарали кечди.

Тўрт кунлик таширф давомида туман кенгашлари фаолиятини ўрганилди, чуқур таҳлил қилинди. Соҳа ходимлари аттестациядан ўтказилиб, уларнинг билимларини мустахкамлаш мақсадида ўқув семинарлари ташкил қилинмоқда. Албатта, Қорақалпоғистонда ҳам, Хоразмда ҳам аъзолик афзалликларини асослаш, фермер хўжалиқларида меҳнат қонуничилигига тўла риоа этилишини таъминлаш, аъзоларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, саломатликларини мустахкамлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқ ходимларининг ақсарияти қишлоқ хўжалигида суяғи қотган, улкан тажрибага эга фидойий инсонлар. Улар меҳнатини тан олмасликнинг иложи йўқ. Бирок...

— Фермер хўжалиқларида амалга оширилаётган оптималлаштириш аъзолар сафи камайишига олиб келган бўлса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил қилинаётганлиги улар ўрнини қоплаш имкониятини яратмоқда. Бирок барча туманларда бу борадаги ишларни қоникарли деб бўлмайди. Буни айрим туман кенгашларида аъзолик бадалларидан қарздорлик юзага келаётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Биз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти статистика бошқармаларидан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар рўйхатини олдик. Уларни ўрганиш жараёнида ақсарият корхоналарида бошланғич ташкилотлар тузилмаганлиги, ишчи-хизматчилар аъзоликка жалб қилинмаганлиги маълум бўлди. Шундай корхоналарга таширф буюриб, уларнинг раҳбарлари, ходимлари билан мулоқот қилдик. Касаба уюшма аъзолик афзалликларини тушунтирдик. Натижа кутганимиздан ҳам аъло бўлди. Касаба уюшмасига аъло бўлиш ҳақидаги тақлимимиз яқдиллик билан қабул қилинди, — дейди Алишер Исмолов.

— Жойларда бўлганимизда аъзоларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, меҳнатларини муҳофаза қилиш, иш ва дам олиш шароитлари яратиш, иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишдик, уларни таҳлил қилдик, — дея ҳамкасбининг фикрини давом эттирди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ижтимоий ҳимоя бўлими мутахассиси Дўстмурод Тўйчиев. — Баъзи ҳолларда бошланғич ташкилотларимиз номигагина фаолият юритаётганлиги, айрим туман кенгашлари бир жойда депсиниб турганлиги ачинарли. Тараққиёт эса юришини, тинимсиз изланишини талаб қилади.

Марказий кенгаш мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи касаба уюшмаларида янги даврни бошлаб берди. Эндиликда соҳада хизмат қилувчи ҳар бир ходимдан тадбиркорлик билан фаолият кўрсатиш талаб қилинади.

— Замон билан ҳамнафас одимлаш, истиқлолга, юрт тараққиётига улуш қўшиш учун ҳам бундай таҳлил жуда зарур. Оролбуйи минтақасида табиат инжиқликлари, экологик муаммолар, сув танқислиги билан мардонвор курашаётган, тинимсиз изланишлар эвазига мўл хосил хирмонлари яратаётган қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнати ҳар қанча таҳсинга муносиб. Бундай фидойий инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса касаба уюшмалари учун ҳам қара, ҳам фарз саналмоғи лозим.

Мухаббат ТУРАБОЕВА,  
«Ishonch» мухбири

Ёшлар  
келажагига  
каролат

(Давоми.  
Боши 1-бетда)  
«Максам Чирчиқ» очик акционерлик жамияти касаба уюшма кўмитаси томонидан Наврўз байрами муносабати билан Чирчиқ санат касб-хунар коллежининг 13 нафар ва Чирчиқ техника касб-хунар коллежининг 5 нафар талабаларига 440 минг сўмлик озиқ-овқат тўпламлари ажратилди.


Корхонада амалиёт ўтаётган ва ишга жойлашган ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш назоратга олинди. Жумладан, бугунги кунда барча корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташ учун бириктирилган ўқувчилар ва янги ишга қабул қилинган коллеж битирувчиларини ташкилот ва корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, махсус кийим-бош ва пойабзал, якка тартибдаги химоя воситалари, профилактика озиқ-овқатлари (сут, сут маҳсулотлари, шарбатлар) билан таъминлаш ишлари касаба уюшмалари томонидан амалга оширилмоқда. Ишга қабул қилинган коллеж битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилиб, улар жамоа шартномалари билан таништирилди.

Келгусида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, яъни жамоа шартномалари бўйича корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга бир марталик тўлов ва кўшимча ҳақ бериш, сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилган ходимларга пул маблағларини Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига киритиш учун фойсиз судалар бериш масаласини ҳал этиш кўзда тутилмоқда.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,  
«Ishonch» мухбири

V Қурултой қарорлари — ҳаётга

Ислоҳот самараси учун



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши таркибиде 203 та бошланғич ташкилот бўлиб, унда 16927 нафар касаба уюшма аъзолари уюшган. Бундан икки йил илгари ўтказилган тармоқ касаба уюшма фаолларининг кенгайтирилган йиғилишида жойларда жамоа шартномалари тузишдаги камчиликлар, фаолият кўрсатаётган жамоа шартномалари бандларининг тўлиқ бажарилмаётганлиги, иш жойларини аттестациядан ўтказишда ҳам қатор камчиликлар борлиги танқид қилинган, мутасадди раҳбарлар зиммасига тегишли вазифалар юкланган эди. Қачонки, танқид тўғриси қабул қилиниб, камчиликларни бартараф этишга оқилона ёндашилса, бу ўзининг самарасини беради. Тармоқ раҳбарияти худди ана шундай йўл тутди. Дастлаб куйи ва ўрта бўғиндаги аҳвол жиддий таҳлил қилиниб, ишни яхшилаш юзасидан касаба уюшма фаоллари, мутахассислар иштирокида махсус дастур ишлаб чиқилди.

Дастурда биринчи навбатида кадрларни ўқитишга, жойларда ўқув семинарлар, касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни, мақсад ва вазифаларига бағишланган давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ўтказиш, илғор бошланғич ташкилотларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, касаба уюшма аъзоларини кўпайтириш маблағлардан жўяли фойдаланиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш каби масалалар ўрин олган эди.

— Дастур бўйича туманларда савол-жавоблар пайтида айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг оддийгина ҳужжатларини расмийлаштиришни билмасликлари, касаба уюшмаларининг фаолият йўналишларидан, молиявий масалалардан етарли даражада хабардор эмасликлари маълум бўлиб қолди, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Қозим Атабоев. — Жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш, бу муҳим ҳужжатни экспертизадан ўтказиш, иш бериш билан ижтимоий шериклик асосида фаолият юритиш борасида ҳам шундай дейиш мумкин.

Дастурда кўзда тутилган масалалар билан жиддий шуғулландик. Марказий кенгашдан келган вакиллар бу ташаббусимиз-

ни қўллаб-қувватлашди, жойларга чиқишиб, амалий ёрдам беришди.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби кўпгина давлат ташкилотларида ҳам шарафда бир тўхтамага келинди. Ана шу келишувга асосан махсус гуруҳ таркибига вилоят кенгаши томонидан тавсия этиладиган соҳадан хабардор мутахассислар киритилди-гина бўлди. Бу эса, биринчидан, вилоят кенгашининг воқеалар жараёнидан хабардорлигини, шунингдек, бошга иш тушган ходим ҳақ-хуқуқларининг қонуний асосда ҳимояланшини таъминлайди.

Тизимдаги касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иш беришчи маблағларни ҳисобидан ходимларнинг спорт-соғломлаштириш тадбирларига кўпроқ жалб қилишга, ташкилотларнинг ўзиде спорт заллари ташкил этишга ва спорт жихозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор бераётдилар. Ҳар йили тармоқда «Саломатлик» спартакиадаси, «Отам, онам ва мен», «Бизнинг оила» спорт муобакалари мунтазам ўтказиб келинаёпти. 2009-2010 йилларда ходимларни спорт соғломлаштириш машғулотларига жалб этиш учун 9 миллион 800 минг сўм иш беришчилар, 16 миллион 500 минг сўм касаба уюшмалари маблағлари сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Мил-

Бу муаммони ижобий ҳал этиш юзасидан вилоят меҳнат бошқармаси ва вилоят кенгаши томонидан олиб борилган амалий жараёнда бир тўхтамага келинди. Ана шу келишувга асосан махсус гуруҳ таркибига вилоят кенгаши томонидан тавсия этиладиган соҳадан хабардор мутахассислар киритилди-гина бўлди. Бу эса, биринчидан, вилоят кенгашининг воқеалар жараёнидан хабардорлигини, шунингдек, бошга иш тушган ходим ҳақ-хуқуқларининг қонуний асосда ҳимояланшини таъминлайди.

Тизимдаги касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иш беришчи маблағларни ҳисобидан ходимларнинг спорт-соғломлаштириш тадбирларига кўпроқ жалб қилишга, ташкилотларнинг ўзиде спорт заллари ташкил этишга ва спорт жихозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор бераётдилар. Ҳар йили тармоқда «Саломатлик» спартакиадаси, «Отам, онам ва мен», «Бизнинг оила» спорт муобакалари мунтазам ўтказиб келинаёпти. 2009-2010 йилларда ходимларни спорт соғломлаштириш машғулотларига жалб этиш учун 9 миллион 800 минг сўм иш беришчилар, 16 миллион 500 минг сўм касаба уюшмалари маблағлари сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Мил-

лий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашга касаба уюшма ташкилотлари алоҳида масъулият билан ёндашаёпти. Чунки мазкур ҳужжат Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги, оқилолигини, миллатлар ва элатлар тотувлиги, ҳамжихатлиги, шу муқаддас заминда яшовчи ҳар бир фуқаро тақдири учун дахлдор.

Меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни яратишга, ходимларнинг талаб ва истакларини ўрганиб, уларни қаноатлантириб бориш, Президентимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг мазмун-моҳиятини касаба уюшма аъзолари онгига синдириш, ишчи-хизматчиларда диний ақиданасозликка, экстремизмга қарши нафрат туйғуларини тарбиялашда тармоқ касаба уюшма фаоллари изчил иш олиб бераётдилар.

— Кейинги пайтда бошланғич ташкилотларимизнинг фаолашгани кузатилаёпти, — дейди вилоят кенгаши раиси Исмаил Очилов. — Бу касаба уюшмалари фаолиятининг барча қирраларида меҳнат қилишнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, техника хавфсизлиги, меъёрдагидек меҳнат шартлоларининг яратилишида, иш ҳақларининг вақтида тўланишини

тартибга солишда, спорт-соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ва касаба уюшмалари аъзоларининг манфаатлари билан боғлиқ бошқа масалаларда яққол намоён бўлаёпти. Биз етакчиларимизнинг ана шу фаолиятини янада кучайтиришга, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, моддий ва маънавий рағбатлантиришга, тармоқда мазмунан бойиб бораётган меҳнат мурувват аъзоларининг давом этиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида касаба уюшмаларининг омма ўртасидаги обрў-эътиборини янада ошириш, жамиятдаги нуфузини юксалтириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги ролини кучайтириш юзасидан истиқболга мўлжалланган қарорлар ва Ҳаракат Дастури қабул қилинди. Вилоят вакили-лиги тизимдаги ташкилот ва муассасалар касаба уюшма етакчилари ва фаоллари ўзларининг фаолият йўналишларини Қурултой ҳужжатларига ҳамоханг ҳолда ташкил этаётганликлари ўз самарасини бераёттир. Бу тармоқ касаба уюшмалари ҳаётида амалга оширилаётган ишларнинг жараёнида ўз ақсини топқиди.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Фаолиятга назар

Ислоҳотларнинг илк босқичидаёқ мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодийдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилганлиги бугун ўз самарасини бермоқда. Бунда устувор йўналишлардан бири сифатида шахсий томорқа хўжалиқларини ривожлантиришга эътибор қаратилган бўлиб, натижада қишлоқ аҳолиси иштирокида ер майдонлари 1989-1995 йилларда икки баробарга кўпайди.

ташкilotининг иш услуби тубдан ўзгарди. — Асосий мақсад меҳнатқилар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялашга қаратилди. Уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларини ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномалари орқали бор имконият-

муҳим бўлиб қолди. Бу эса, ўз навбатида, тармоқ келишувларини кучайтириш, жамоа шартномалари мазмун-моҳиятига янгича ёндашушни тақозо этапти. Агросаноат тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, меҳнатқилар манфаатларини янада кенгрок қамраб олиш мақсадида Марказий кенгаш томонидан тизимдаги вазирлик, кўмита, инспекция, уюшма, марказ ва компаниялар билан мунтазам равишда тармоқ келишувлари имзоланиб келинаёпти.

Тармоқ ишчи-хизматчиларининг манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномаларининг аҳамияти борган сари ортиб

сий бажарган иши учун иш ҳақини ўз вақтида олишига имконият яратиб берди.

Мустақиллик йилларида мазкур масала юзасидан қўллаб ишлар амалга оширилди. Қарздорликни бартараф этиш юзасидан касаба уюшма ташкилотлари томонидан иш беришчиларга расмий талабномалар киритилди. 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан иш ҳақидан қарздорлик маҳаллий ҳокимият, суд, прокуратура органларига мурожаат этилиши натижасида тенг ярмига камайди.

МУҲИМ ЙўНАЛИШ

Давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири фуқаролар саломатли-

Муваффақият гарови

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида Ер кодекси, «Қишлоқ, хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди. Мустақам ҳуқуқий база иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилишига замин яратди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида хўжалик юритишининг бозор муносабатларига мос келадиган ширкат, фермер ва деҳқон хўжалиқлари синовдан ўтди.

Ерга бўлган муносабатларда янги таъминлар жорий этилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарида солиқ тизими такомиллаштирилди. 1999 йил 1 январдан бошлаб, унинг мавжуд бир неча турлари ўрнига ягона ер солиғи жорий этилди.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичи 2000 йилдан бошланди. 2000-2003 йиллар мобайнида тугатилган ширкат хўжалиқлари негизда 200 мингдан зиёд фермер хўжалиқлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони қишлоқ хўжалигида тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлиб, мазкур тармоқнинг ривожига янги йўналишни бошлаб берди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА  
Мустақиллик йилларида касаба уюшма

лардан самарали фойдаланишга эътибор кучайтирилди. Ушбу жараёнда жамоатчилик онгиде ўз-ўзини бошқариш қўниқмаларини тарбиялаш, кишиларнинг ташаббус ҳамда интилишларини рағбатлантириш бош мезонга айланди.

Мулкчилик шаклининг ўзгариши ҳисобига айни кунда 1969 та жамоа, 1148 та давлат хўжалик, 62 та қўшма корхона, 66 минг 134 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда икки миллион бир юз йигирма уч мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилапти.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳар қандай ишнинг савияси ҳамда самарадорлиги кадрларга боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, бошланғич ҳамда ўрта тизимларга ёш, ташаббускор, ишнинг кўзини биладиган кишиларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этмоқда. Фаолларнинг ўқуви ташкил этилди. Мустақиллик йилларида ЎзқуфК ўқув марказида касаба уюшмаларининг фаолият йўналишлари бўйича мутахассислар, янги сайланган туман ва асосий ишдан озод этилган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг 2 минг нафарга яқини ўқитилди. Жойларда бўлиб ўтган тури ўқув-семинарларда эса тармоқ ходимларидан қарийб 20 минг нафари малака оширди.

Иқтисодиётимизда нодавлат секторининг мавқеи ошиб бориши натижасида ижтимоий ҳамкорлик тамойилини кучайтириш, иш беришчи билан ёлланма ишчининг ўзаро мажбуриятларини белгилаб олиш

бораётганлигини кўпчилик тушуниб етди. Шу босқидан ҳам меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари орқали тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ўтган йили жамоа шартномалари билан аъзоларнинг 1 миллион 902 минг нафари, яъни 96 фоизи қамраб олинди. Жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ йил давомида у тўлаган аъзолик бадалига нисбатан бир неча баробар ошди. Бу рақам 2000 йилда 9 минг 100 сўмини ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб, 123 минг 490 сўмга етди.

ҚАРЗДОРЛИК БАРТАРАФ  
ЭТИЛМОҚДА

Тармоқ касаба уюшмаси олдида яна бир муҳим масала — иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш вазифаси долзарб бўлиб турибди. Агросаноат тизимида банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг (фермер хўжалиқларидан ташқари) ўртача маоши 2005 йилда 81 минг 163 сўмини ташкил этган бўлса, 2010 йилда 286 минг 492 сўмга етган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари касаба уюшма ташкилотларига ёлланма ходимнинг асо-

гини муҳофазалаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир. Шунингдек, ходимларнинг меҳнати, ҳаёти ва соғлигининг муҳофазаси сингари масалалар касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим вазифалари сирасига қиради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, яъни меҳнат шартлоларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларга ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга турли тўловларнинг ўз вақтидан тўланишига оид масалалар Марказий кенгаш раёсатининг кейинги йиллардаги йиғилишларида 8 мартаба, вилоят, шаҳар, туман кенгашларида 4003 марта кўриб чиқилди. Иш беришчиларнинг меҳнат муҳофазаси борасидаги жавобгарлигини ошириб бориш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланяпти.

Бахтсиз ҳодисалар, меҳнат жараёнида жарахатланиш, касб касалликлари ёки саломатликка етказилган зарарни иш беришчилар томонидан яшириш каби бир қатор масалалар бўйича 2000-2010 йиллар мобайнида Марказий кенгаш фуқаролардан 177 та ёзма, 299 та оғзаки шикоят ҳамда аризалар келиб тушди. Уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилди.

Турсун НИЁЗОВ,  
Ўзбекистон агросаноат мажмуи  
ходимлари касаба уюшмаси  
Марказий кенгаши бўлим мудири

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловига



Яқинда катта шодиёна билан нишонланган Истиқлолимизнинг 20 йиллик байрами арафасида кўплаб юртдошларимиз Ватанимизнинг нуфузли мукофотларига лойиқ топилди. Улар орасида касаба уюшма тизими вакилларининг ҳам борлиги кишида фахр уйғотади. Айниқса, касаба уюшма спортчилари – В.Тўйчиевнинг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони, XVI Осиё ўйинлари голиблари Г.Кочнев ҳамда С.Мирбеков, хусусан, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири ўринбосари Д.Мадиевнинг «Шухрат» медали билан тақдирлангани байрамона кайфиятга янада кўтаринкилик бағишлади.

## Ҳавасманд ҳамкасб

Шунингдек, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида фаол меҳнат қилаётган ҳамюртларимиздан бир гуруҳи Президентимиз Исрол Каримовнинг 2011 йил 17 майда қабул қилинган фармонига мувофиқ таъсис этилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди. Улар орасида Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази касаба уюшма кўмитаси раиси Ўткир Қаюмов ҳам бор.

Ўткир Қаюмов 1949 йилнинг 19 апрелида пойтахтда оддий оилада дунёга келган. 1966 йилда Юнусобод туманидаги 37-ўрта мактабни тугатгач, Низоми номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирги университет) математика факултети кечки бўлимида ўқиди. Ўқиш билан меҳнат фаолиятини тенг олиб бориб, 1967 йилдан мактабларда тарбиячи, ўқитувчи, 1970-1971 йилларда Республика Фанлар академиясининг гликозидлар кимёси лабораториясида лаборант бўлиб ишлади. Институти тугаллаб, Юнусобод туманидаги 70-мактабда математикадан дарс берди. 1973-1974 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб, 1975-1980 йилларда эса Тош ПКБ АСУда дастурчи бўлиб ишлади. 1980 йилдан Давлат телерадио ташкилотининг (ҳозирги МТРК) АСУ бўлимида математиклар гуруҳи бошғиси сифатида ишлаб, 1984 йилда Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси институтида катта илмий ходим сифатида фаолият юритди.

Истиқлол даври Ўткир акага илмий фаолиятда салмоқли одимлар ташлаш имконини берди. 1995 йилнинг апрелида Кибернетика институтида

«Аҳоли бандлигини бошқариш жараёнларини моделлаштириш» мавзусида диссертация ёклаб, иқтисод фанлари номзодлиги даражасига эришди. Айни пайтга қадар 70 га яқин муаллифлик ва ҳаммуаллифликдаги илмий-оммабон дастур, кўлланмалар, олий ўқув юртлири талабалари учун дарсликлари чоп этилди. «Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри», «Социологик тадқиқотлар амалиёти» (2001), «Ўзбекистонликларнинг ижтимоий кифёси», «Социология» (2002), «Женщина независимого Узбекистана» (2003), «Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги» (2004), «Мустақил Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳимояси» (2007), «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил этиш услубиёти», «Диний экстремизм ва терроризм: асосий тушунча ва таҳдидлар» (2006), «Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий кифёси» (2008), «Социология общественного мнения Узбекистана: теория, методология, практика», «Жамоатчилик фикрини ўрганишда математик усулларни қўллаш методикаси» (2010) кибилар шулар жумласидан. Ҳозир у докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида.

Қаҳрамонимиз 2003 йилдан буён «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида фаолият юритиб келмоқда. Марказ ҳар йили жамоатчилик фикрини ўрганишнинг мақсадли ва мониторинг тадқиқотларини ўтказиши. Улар асосида юртимизнинг барча минтақаларини қамраб олувчи сўров маълумотлари бўйича катта ахборот манбаи яратилган.

— Тадқиқотнинг энг зарур қисми социологик сўров ўтказиш бўлиб, кўзланган мақсадга эришиш учун ўрганилаётган ижтимоий ҳодиса ва

жараённинг муҳим хусусиятларини тўла очиб беришга қаратилган саволларни ишлаб чиқиш талаб этилади, — дейди Ўткир ака. — Бунда кўпинча даражали кўринишдаги жавоблар олишга мослаштирилган саволлар қўлланади. Кўришиб турибдики, иш ўта мураккаб ва кўп вақтни талаб қилади. Бу борада қўлайлик яратиши мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганишда математик усулларни қўллаш методикасини ишлаб чиққанмиз. Зеро, ҳисоблаш техникаси ва статистик ахборотни қайта ишлашни математик таъминлаш воситалари социологик тадқиқотлар мажмуини умумлаштириш ва турли йўналишларда таҳлилий маълумотлар олишга имкон яратади.

Ў.Қаюмов жамоат ишларида ўта фаол. Юнусобод тумани «Уч қаҳрамон» маҳалласида 25 йилдан бери маслаҳатчи, 5-ўйинг раиси. Таъкидланганидек, асосий ишидан ташқари илмий методик кенгаш котиблиги ҳамда Марказ касаба уюшма кўмитаси раислигини ҳам бажариб келмоқда. Ўз ишига нисбатан ўта талабчан бўлгани боис, ходимлар унинг ёнига кўмак истаб келишга эҳтиёж сезишмайди. Борди-ю, бирон муаммо пайдо бўлса, маъмурият билан келишиб, дарҳол ҳал этилади.

Оилавий муҳит ҳам ҳавас қилгулик. Турмуш ўртоғи Зуҳра опа тумандаги 260-мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ёрдамчиси. Қизи Зулфия шаҳар 5-касалихонасида шифокор. Ўғли Анвар ота изидан борган. Ҳозир у «Ижтимоий фикр» марказида тадқиқот олиб бормоқда.

— Ўткир ака билан анча йилдан бери ишлаб келяпман, — дейди «Ижтимоий фикр» Маркази бўлим бош-

лиғи, иқтисод фанлари номзоди Ижодхон Аъзамхўжаев. — Айниқса, у киши билан яқинроқ танишгач, ҳавасим янада ортди. Президентимиз Исрол Каримов асарларидан бирида шундай деганди: «Бизнинг аждоғларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илғи ўтроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги «илғи тўқ, бақувват» деган тушунча, мен, ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. Ўзбек халқининг илғи тўқ, бақувват демоқчиман. Яна тилимизда «тагли-туғли», «палаги тоза» деган иборалар ҳам бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидаларига ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади».

Ушбу сатрларни ўқиганда Ўткир ака ва унинг сулоласи кўз олдимга келади. Ўткир аканинг она томондан катта бобоси Муродхўжа Солихий (1870-1953) турк, форс, араб тиллари, ислом фалсафаси, калом ва фикҳ илмлари билимдони бўлиб, Тошкентдаги Эшонқули Додхо мадрасасида мударрислик қилган. Домла буюк форс шоир ва мутафаккири Саъдий Шероийнинг «Гулистон» асарини ўзбек тилига ўгириб, 1909 йилда Тошкентда чоп эттирган. Бу ўлмас асарнинг 2005 йилда Тошкентда қайта чоп этилиши янада қувонарлидир. Бобоси Ғиёсиддин Жалолов эса (1903-1984) XX асрнинг илк ўзбек астрономларидан бўлиб, форс, араб, инглиз тилларини мукамал билган. Ғ.Жалолов буюк комусий олим Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарини араб тилидан таржима қилишда ҳаммуаллиф бўлган. Асарнинг математика, астрономия, фалсафа, астрология ва географияга оид боблари Ғ.Жалолов таржимасида чоп этилган. Унинг ўрта аср ўрта Осиё астрономия тарихига оид 20 га яқин илмий иши Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий тўпламларида чоп этилган. Ишларнинг катта қисми Улуғбек астрономик мактабининг фанга қўшган ҳиссаси, расадхонасининг асосий телескопи ва расадхона ташқи кўринишига оид аҳамиятга молик илмий ишлардир. Ўткир аканинг ўзи ҳам тиниб-тинчимас, бағрикенг, юксак маданиятли, ўта тартибли, мақсад сари изчил интилувчан, айна пайтда камтарин инсон. Шундай одам билан ҳамнишин бўлиб ишлаётганимдан хурсандман.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,  
«Ishonch» муҳбири

## Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Бунёдкор халқимизни  
истиқлолнинг 20 йиллиги билан  
самимий муборакбод этади.  
Байрам шодиёналари давом  
этаётган ушбу кунларда барча  
юртдошларимизга кўтаринки  
кайфият, соғлиқ-саломатлик,  
оилаларига қут-барақа, тинчлик-  
хотиржамлик тилаб қолади.

## Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши

Азиз юртдош-  
ларимизни  
истиқлолнинг  
20 йиллик  
тўйи билан  
самимий  
қутлайди.

Тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-  
саломатлик, қут-барақа, шоду  
хуррамлик оилангизни асло  
тарк этмасин!

## Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Фидойи халқимизни Ватанимиз  
мустақиллигининг  
20 йиллиги билан  
самимий табриклайди.  
Илоҳим юртимиз жамолига,  
осмонимиз мусаффолигига,  
фуқароларимизнинг фаровон  
турмушига кўз тегмасин.  
Тинчликнинг қадрига етиб,  
мамлакатимиз ривожини йўлида  
ҳамжиҳатликда меҳнат қилиш  
ҳаммамизга насиб этсин!

### «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Ипотэка-банк» АТИБ Бошқарувининг 27.06.2011 йилдаги 138-сонли қарорига асосан Бош амалиёт бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 17-ўй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1) «Нексия» русумли, 2002 йил и/ч, д/р 10 АС 656 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 188 000 сўм.
- 2) «Нексия» русумли, 2003 йил и/ч, д/р 10 АУ 902 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 274 000 сўм.
- 3) «Нексия» русумли, 2003 йил и/ч, д/р 10 АУ 984 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 916 000 сўм.
- 4) «Дамас» русумли, 2005 йил и/ч, д/р 10 АҚ 752 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 821 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 10 октябр кўни соат

10:00да бўлиб ўтади.  
Талабгорлар диққати! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 10 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг тақририй аукцион савдоси 2011 йил 17, 24 ва 31 октябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини РКМБнинг ОАКБ «Илак йўли бан» Савбон Ф-даги қўйилган ҳисоб-рақамга тулашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.  
Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Корақамиш кўчаси, 1-А-ўй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

### «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Андижон вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Андижон вилоят ҳудудий бошқармасига тегишли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг 2010 йил 18 ноябр ҳамда 2011 йил 29 мартдаги 20-02-709/2-сонли хатларига асосан Суд департаменти Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси балансидаги Андижон шаҳар Бобур шох кўчаси 26-ўй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Сielo» русумли, д/б 17 АВ 556 бўлган, 1995 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 980 000 сўм; 2. «Рейсер» русумли, д/б 17 АВ 505 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 870 000 сўм; 3. «Эсперо» русумли, д/б 17 АВ 533 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 773 369 сўм; 4. «Газ-31029» русумли, д/б 60 245 FAA бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт восита-

си. Бошланғич баҳоси — 1 396 000 сўм; 5. «Газ-31029» русумли, д/б 17 АВ 530 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 590 000 сўм; 6. «Дамас» русумли, д/б 60 243 FAA бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 230 000 сўм; 7. «Дамас» русумли, д/б 17 АВ 577 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 070 000 сўм; 8. «Дамас» русумли, д/б 17 АВ 503 бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 800 000 сўм; 9. «Дамас» русумли, д/б 60 247 FAA бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 270 000 сўм; 10. «Тико» русумли, д/б 17 АВ 519 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 620 000 сўм; 11. «Тико» русумли, д/б 17 АВ 566 бўлган, 1995 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 580 000 сўм; 12. «Дамас» русумли, д/б 17 АВ 552 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 440 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 7 октябр кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади.  
Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 7 октябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан тақририй савдо 2011 йилнинг 11 ва 14 октябр кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.  
Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зақалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини РКМБ Андижон вилоят филиалининг «Савдогар» ОАТ банки (МФО: 00081, ИНН: 200933850, қ/р: 2262200000571452009)га тулашлари шарт.  
Манзил: Андижон шаҳар, Навоий шох кўчаси, 30-ўй. Телефон: (8-374) 224-48-53. www.rkmb.uz.

# Юрт кучоғин гулларга буркаб...



Наманган ҳақида «Гуллар шаҳри» деган жуда мос таъриф ишлатилади. Айтганларича бор, бугун вилоятни ҳар жабҳада саҳавату оқибатни аъмоли деб билган, гулға меҳр берган, уйнинг турини, кўнглининг кўрини табиатнинг шу нозиккина яратигига атаган оқкўнгил инсонлар ривожлантирмоқда. Аста-секин юртимизнинг турли гушларидан аънаёна айланган «Гуллар байрами» ҳам илк бор шу вилоят марказида ташкил этилган эди. Орадан йиллар ўтди: ҳаёт, турмуш тарзи, ҳатто одамлар ўзгарди, аммо «наманганликман» деган киши борки, гулу чекдан умрини айти билмади. Вилоят марказида реконструкция тўғрисида қайта чиroy очган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтган ҳафтада эллик биринчи бор «Гуллар байрами» ўтказилди.

Эллик биринчи бор... Бу шунчаки рақам эмас. Одамларнинг табиатга бўлган сўнмас меҳри ифодаси, миллий аънаёларга содиқлик рамзи, қолаверса, ўзбекка хос омилкорнинг эллик биринчи мартаба дунёга намойиш бўлишидир. Гулсевар аҳоли боғ худудини гул билан безаб

ташласди. Қай тарафга назар солсанг, хонаки гулларнинг ял-ял ёниб турганига гувоҳ бўласиз. Турли идора ва ташкилотлар эса узлари ўстираётган гуллардан ташқари, миллий хунармандчилик маҳсулотлари, қўл меҳнати натижасида дунё юзину кўрган антиқа санъат асарлари билан боғ кўригига кўрк қўшилади. Бир ёнда коллежлар, бир тарафда эса вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимларининг байрам учун тўғрисида кўни олади. Бошқа тарафда эса «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг вилоят филиали маҳсулотлари гулларга ҳамоҳанг ўзгача жозоба касб этган. «Маҳалла» жағмармаси вилоят кенгаши фаолларининг уйин-кулгуларига бироз қўшилади. Қалбага энган жўшқинлик билан «Водий ипаги» МЧЖнинг гуллар-улкан туваклардаги гулларни хунармандчилик маҳсулотларига назар ташлаймиз. Кўнгул тубида эса яна таниш ўйлар мавж уради: бу юрт одамлари гуллардек яшаб, эзгу ишларга гуллардек кучоқ очини саодат биладилар.

\*\*\*

Еру кўкни қоплаган гул-чеклар оралаб боғ ичига кириб боради. Тенгсиз гўзалликка

Даврон Каримов, Боситхон Нурдинов, Тоҳировлар, Султоновлар оилаларини учратиш мумкин.

Жўраҳон ака Мўминов ҳам ҳаваскор гулчилардан. Аммо уни бошқалардан ажратиб турадиган хусусияти бор, бу ҳам бўлса куктусларга ишқибозлик. Шу ўсимлик туридан коллекция йиғиб, кўпчиликка танилиб улгурган Жўраҳон акани суҳбатга тортамиз.

— Гулга ишқибозлик ҳар бир наманганликнинг қонида бор, — дейди у. — Айнан куктус йиғишни 1965 йилдан бошлаганман. Бирор шаҳарга борсам ҳам, кўчада, меҳмонда, уйларнинг деразасига қараб юраман. Ўзимда йўқ навурача қолса, уй эгасини топиб, куктуснинг шохчасидани, уруғидани олиб келишга ҳаракат қиламан. Шу тариқа коллекцияда бугунга келиб, куктуснинг 1200 хилини қайд этдим.

— Демак, шунча куктуснинг илмий номи, тарихи билан ҳам танишиб чиқдингиз...

— Ҳа, аслида уларнинг сони бундан ҳам кўпроқ. Бирок айримларининг илмий номи қандай эканлигини аниқлай олмаганман. Шунинг учун

уларни коллекцияга киритганимча йўқ.

— Айрим гулчиларнинг таъкидлашича, куктуснинг жуда секин: ўн, йигирма, ҳатто эллик йилда гулларшаркан. Ростдан ҳам шундайми?

— Бу ўсимликнинг сирини жуда кўп. Дарҳақиқат, шундай турлари ҳам бор. Мисол учун, катта тувакда турган кучоққа зўрага сиккуллик куктуснинг ёши элликдан ўтди, аммо гул туканича йўқ. Балки мен унга асл ватанидагидек шароит қилиб бера олмаётганиданми ёки аслида шундайдир. Нима бўлганда ҳам, уларга самимий меҳр кўрсатибгина, ҳақиқий завоқ олиш мумкинлигини тушуниб етганман.

— Куктусдан бошқа гулларингиз ҳам кўп экан. Бу хунар орқасидан топилаётган даромад рўзғор тебратишга етганими?

— Худого шукр, барчаси кўнгулдагидек. Айтишди-ку, меҳнат қилган хор бўлмайди. Ўн бир йилдирки, нафақаданман. Аввал мактабда математика фанидан болаларга сабоқ берардим. Касбим ва шу хунар орқасидан болаларини уйл-жойли қилдим: қиз чиқариб, ўғил уйлантирдим. Машинамиз бор, уйимиз ҳам шинамгина. Бу тўқисликнинг сирини барчаси бир ёқдан бош чиқариб меҳнат қилаётганимизда. Ҳозир ўғилларим ҳам гулчилик билан шуғулланишмоқда: кам бўлишаётгани йўқ.

Умид билан сўқилган таёқ, Бир кун берур мева ва япроқ.

Бу ҳақиқатни наманганликлар неча қайталаб исботлашган экан. Уларнинг уйдабуронлиги сабаб Америка, Австралия, Африка, Жанубий Осиё каби икклими бизнинг об-ҳаводан кескин фарқланувчи юртлардан келтирилган яқобиния, пеларгония, колерия, аспаргос, санхесия, агава каби ўсимликлар шу юрт тупроғида томир отиб, барг ёзмоқда. Жўраҳон ака таъкидлаганидек, самимий меҳр-ла гуллаб-яшнаган бу ўсимликлар кўнгулнингизга гўзаллик келтириш учун сизга интиломда. Гулларга кўнгулдан жой берган инсон ҳам табиатнинг шу нъматидек кўзга яқин, кўнгли соф бўлади.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири. Хотам МАМАДАЛИЕВ, (ЎЗА) олган сурат

## Касаба уюшма спорти «Мустақиллик кубоғи»

Қарши шаҳрида мини футбол бўйича «Мустақиллик кубоғи» мусобақалари ташкил этилди.

У вилоят ҳокимлиги, Ёқилғи-энергетика комплекси, киём саноати ва геология ҳамда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши ва «Шуртангазим» мажмуаси ҳамкорлигида ўтказилди. Қизгин кечган баҳсларда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзтрансгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзгеобургултгаз», «Ўзнефтгазқурилишинвест», «Ўзнефт-маҳсулот» акциядорлик компаниялари ҳамда «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» ДАК, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Ўзметкомбинат» ОАЖнинг 15 футбол жамоаси иштирок этди.

Ҳокимлик «Талимаржон ИЭС» унитар корхонаси жамоасига насиб этди. «Олмалиқ КМК» ОАЖ 2- ва «Шуртангазим» мажмуаси 3-ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда «Саломатлик» спартакиадасини ўтказди. Унда юздан ортиқ спорт ихлосманди қатнашиб, волейбол, стол тенниси, тош кўтариш, армрестлинг бўйича ўзаро беллашди.

## «Саломатлик» спартакиадаси

Шунингдек, оилавий жамоалар ҳам енгил атлетиканинг югуриш, граната улоқтириш, жойида туриб ўзоқликка сакраш турларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Пахтакорлик Соатовлар оиласи биринчи бўлди. Султоновлар ҳамда Исоқжоновлар оиласи кейинги ўринларни банд этишди.

Волейболчи қизлар баҳсида вилоят истаъмом товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши жамоаси 2-АСМ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши вакиллари 3-ўринга сазовор бўлишди.

Ҳокимлик 20-22 сентябр кунлари Самарқандда ўтказилган республика спартакиадасига йўланма олдилар.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири



Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиғи олдиндан «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уюшмада ташкил этилган аънавий спартакиадада иштирокчилар футбол, шахмат-шашка, стол тенниси бўйича куч синишди.

Мусобақа баҳсларга бой бўлди. Стол тенниси бўйича С.Зорирова биринчи ўринни эгаллади. 2- ва 3-ўринлар Ф.Ғалиева ҳамда А.Шайхудиновга насиб этди. Шашка ҳамда шахмат бўйича Д.Мирзақаримов ҳамда В.Ўзоқовлар ғолибликни кўлга киритишди.

Ҳокимлик муносиб тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

## Ёш спортчилар маркази

Гулистон шаҳрида ёш спортчилар тайёрлаш марказининг иш бошлаганига ҳали учра кўп бўлгани йўқ. Айни кунда марказда 940 нафар ўғил-қиз миллий кураш, сузиш, таэквондо, енгил атлетика, бокс, армрестлинг сирларини пухта ўрганмоқда. Ёш спортчиларга 16 нафар ма-

лакали мураббий сабоқ бераётир.

Ҳақиқат таэквондо бўйича беллашувада 124 нафар спортчи ёшлар иштирок этди. Баҳслар бу ерда кўплаб иқтидорли ёшлар кўлга етаётганлигини тасдиқлади.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактаб томонидан 1986 йили Матқубов Таир Раджапович номига берилган №985553 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Газетанинг навбатдаги сони 10 сентябр, шанба кунини чиқади.

# Эътироф Истиқлол менинг тақдиримда

Халқимиз энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақилликнинг 20 йиллиғини кўтаринки кайфиятда нишонлади. Бу байрам, айниқса, мамлакатимиз ёшлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Юртимизда истиқлол берган имконият ва шарт-шароитлардан кенг фойдаланиб ўз иқтидорини намойиш этиб келаётган ёшлар жуда кўп.

Самариддин Бердиев, Тошкент Давлат иқтисодий университетининг 1-босқич магистранти:

— Мустақиллик шарофати билан дунё таълим стандартларига тўла жавоб берувчи таълим мусассасалари ёшлар ихтиёрига бериб қўйилди. Бундай ғамхўрликларга жавобан ҳар томонлама етук ва билимдон бўлиш бугун бизнинг бирламчи вазифамиздир. Ўзим ҳақимда айтганим бўлсам, 2007 йилда «Келажак овози» танловининг вилоят босқичида ғолибликни кўлга киритдим. 2008 йилда «Ёш тадбиркор — юртта мададор» танловининг республика босқичида ғолиб бўлдим, 2009 йилда эса «Қамолот таълим гранти»ни кўлга киритдим. 2009-2010 ўқув йилида 3 та нуфузли танловда ғолиб бўлдим.

Элёр Раҳматов, Тошкент Давлат юридик институтини битирувчиси, факультет «Қамолот» ЁИХ сардори:

— Ўзим севган ҳуқуқшунослик соҳасида таълим олдим. Шу билан бирга турли танлов, тадбир, фестивалларда фаол қатнашиб, диплом ва фахрий ёрликлар билан тақдирландим. Бундан ташқари, Олий Махлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузаси асосида «Қамолот» ЁИХ томонидан ўтказилган олимпиада қатнашиб, «Концепция билимдони» дипломи билан тақдирландим. Келажакда юртимиз равангига муносиб ҳисса қўшиш учун билимимни янада оширишни мақсад қилганман.

Васила Ишмурадова, ТДИУ 4-босқич талабаси:

— Мустақиллик берган имкониятлардан баҳраманд эканлигимдан бахтиёрман. 2008 йилда каратэ спорт тури бўйича қора белбоғ соҳибаси бўлдим. 2009 йилда Зуфия номидаги давлат мукофотининг Республика босқичида қадар иштирок этдим. Гарчи ғолибликни кўлга киритмаган бўлсам-да, бу танлов ўз кучимга бўлган ишончни мустаҳкамлади. 2010-2011 ўқув йилдан бошлаб кичик бизнес корхоналарида самардорликни ошириш бўйича изланишлар олиб бораётганман. Май ойида ТДИУ ҳамда Англиянинг «Бат» университети ҳамкорлигида бўлиб ўтган «Бизнес учун гоғлар» лойиҳаси доирасида Англияда маълум кўп етди. Бундан жуда хурсандман. Келажакда илмий изланишларимни давом эттириб, иқтисодий соҳасига ўз хиссамни қўшоқчиман.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА, Шабан ШОЕВА, ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари

# Ўзи аччиғу, давоси ширин

«Доридармон» акциядорлик компанияси мамлакатимиз аҳолиси, даволаш-профилактика мусассасаларини кенг турдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаётган улғурчи-чакана корхона сифатида ўзига хос нуфузга эга. Компаниянинг омборхона ва дорихоналарида 2,5 минг хилдан ортиқ, халқаро стандартларга жавоб берадиган арзон нархлардаги дори воситаларининг доимий мавжудлиги таҳсинга лойиқ. Компания томонидан республикамиздаги ижтимоий муассасалар, юқори нархдаги дори-дармонга муҳтож кам таъминланган беморларга бепул ҳомийлик ёрдами кўрсатиш йўлга қўйилган. 2010 йилда бундай мақсадларга 680,1 млн. сўм сарфланган бўлса, жорий йилнинг ўтган ярмида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Сурхондарё ва Навоий вилоятларига жўнатилган Саломатлик поездлари ҳамда «Анемия ва лейкопения» фондига, «Ҳаёт учун» кўкрак беши саратони уюшмасига жами 426 миллион сўмлик ҳомийлик кўмағи кўрсатилган.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда компания ходимлари аҳолининг дори-дармонга бўлган эhtiёжини қондириш, дори воситалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали уларнинг нархларини пасайтириш чора-тадбирлари, юртимизга олиб кираётган хорижий фармокомпанияларнинг маҳсулотлари сифатини назорат қилишни такомиллаштириш, қалбаки дори воситаларига қарши самарали курашни ташкил қилиш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисида журналистларга ахборот берди.

— Дори воситаларининг сифатлигини таъминлаш учун компаниянинг барча омборхона ва дорихоналари музлатич ва кондиционерлар билан таъминланган, — деди компания бошқарув раиси Умида Саломатова. — Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида «002» маълумот хизмати ташкил қилинган. У орқали компаниянинг Тошкент шаҳридаги дорихоналарида мавжуд дори-дармонлар ҳақида мунтазам маълумот бериб берилади. Дорихоналарда рецент бўйича дори турларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Бу эса маҳсулотлар танларини пасайтиришга имкон яратяпти. Ўзбекистоннинг флораси ва ривожланган минерал хом ашё базаси 10 дан зиёд илмий тадқиқот институтлари ва марказлари янги дори препаратларини яратиш бўйича ишларга жалб этиш имконини берди. Охириги уч йилнинг ўзига олимлар томонидан 35 та янги дори препараты яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бундан ташқари, маҳаллий корхоналарга имтиёз ва афзалликлар бериш механизмининг такомиллаштирилганлиги, ишлаб чиқарувчини ҳимоя қилишнинг янги услубларини жорий этиш чоралари фармацевтика саноатини ривожлантириш жараёнини жаддаллаштириш ва мамлакатимизнинг дори ҳавфсизлиги кафолатини янада кучайтиришга имкон яратмоқда.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

**Тарбия**

Болавларнинг гўзал одоб-ахлоқи атрофдагиларнинг ҳавасини келтирилади. Одатда истарали ва ёқимтой ўғил-қизлар собиққада, кўнгулчан ва меҳрибон бўлишади.

**Гўзаллик зийнати**

Ўзбекистон Республикасининг «Ташкил тўғрисида»ги Қонуни ва Қодлар» таърифи. Миллий дастурининг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол қилириш, унда маънавий, ахлоқий, эстетик қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантиришдан иборат.

Шароитинг буюк алоҳамаси Абу Али ибн Сино белага мураббий танлашни муҳим ҳисоблаб, уни олти ошдан ўқитувчи тарбиясига беришни тавсия қилган. Тарбиянинг ростиғи, доно, олим ва озода кийинидиган ҳамда ҳушмуомала бўлиши зарурлигини ўқитган. Шундай экан, ёш авлоднинг тарбияшда ўқитувчи зиммасига катта масъулият қўланади.

Билгим даргоҳимизда мунтазам ўтказиладиган сурат ва фотолар кўргазмаси шу мақсадга йўналтирилган. «Тондошларнинг ижоди», «Бахтли болалик», «Эрталар — яшшликка етаклар» каби деворий газета ва кўргазмаларда ўқувчилар расмоларнинг нозик диди, маҳорати, суратлардаги нафислик ва ўзига хослиқни илғаб олишга ҳаракат қилишади. Улар Чингиз Аҳмадов, Баҳодир Жалолов, Темур Садуллаев каби таниқли муассарларнинг асарларидан алақ олишади. Бола гўзаллиқни чуқур ҳис этса, фикр доираси кенгайиб, ҳаёт ҳақиқатини терең англайди. Тарбиянинг ушбу усули педагогдан катта маҳорат талаб этади.

Манзура ҲАЙДАРОВА, Жиззах шаҳридаги 1-умумтаълим урта мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**Insonga naf keltirish**

OLY BAXT

**Muassis:**

**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

**Bosh muharrir:**

**Abduxoliq Abdurazzoqov**

**Tahrir hay'ati:**

Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**

**Kasaba uyushmalari hayoti** 256-87-63

**Huquq va xalqaro hayot** 256-03-90

**Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat** 256-87-74

**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** 256-82-79

**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** 256-85-43

**Reklama va e'lonlar** 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**

Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99893 725 46 40;  
Namangan + 99897 491 79 27;  
Samarqand + 99866 708 70 12;  
Surgondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99890 232 93 19;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail: [Ishonch2011@gmail.com](mailto:Ishonch2011@gmail.com)

**Nashr ko'rsatkichi:**

133

**Navbatchi muharrir:**

**A. Toshev**

**Navbatchi:**

**S. Abdurahmonov**

**Musahhir:**

**S. Shodiyeva**

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**  
Sahifalovchi:  
**H. Abdullajlov**

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan noma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikr ta'biyatini muqol nazardan turlanish mamluk.

**(h) - Tijorat materiallari**

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma toboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00  
Topshirildi - 20.00

**Buyurtma Γ — 911**

**13761 nusxada bosildi**

1 3 4 5